

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АГРОФ-МУХИТНИ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ
КУМИТАСИ РАИСИ УРИНБОС АРИ
ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ РАИСИ



И БОКИЖОНОВ

2021 й

ДАСТЛАБКИ МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТЎПЛАМИНИ БЕРИШ УЧУН СЎРОВ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МАИШИЙ
ЧИҚИМДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ЛОЙИХАСИ

Лоийҳа (тендер) номи

«Хоразм вилояти Шовот туманида қишлоқ маиший чиқимди ларни дустани, саноатчиқа
саралан ва қайта ишлаш кластер хизмат ларини давлат-хусусий шериклик (ДХШ)
шаршлари асосида бошқариш»

ДХШ объектинини жойлашуви

Хоразм вилояти Шовот тумани

Давлат шериклиги

Хоразм вилояти ҳокимлиги

Давлат шериклиги

Хоразм вилояти экология ва агроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси

Тендер таъкилотчиси

Ўзбекистон Республикаси экология ва агроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат
кумитаси Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кучаси,
15-уй, телефон (+99871) 207-07-70 (1072#)

Давлатнинг 2021 йилдаги режаси

1. Асосий тушунчалар

1. Маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси учун мазкур тендер ҳужжатларида куйидаги тушунчалар қўлланилади:

- 1) **Давлат-хусусий шериклик** (кейинги ўринларида - ДХШ) – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жихатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;
- 2) **ДХШ лойиҳаси** - давлат-хусусий шерикликка асосланган маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳаси;
- 3) **ДХШ лойиҳасининг концепцияси** – давлат ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, ДХШ лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган концептуал ҳужжат;
- 4) **ДХШ объекти** – қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ шартлари асосида амалга ошириладиган маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма;
- 5) **давлат шериги** – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва вилоят (туман) ҳокимлиги (кейинги ўринларида – давлат шериги);
- 6) **хусусий шерик** – яқка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик фаолияти субъекти (юридик шахс) ва шундай субъектларнинг бирлашмаси (консорциум);
- 7) **тендер** - ДХШ лойиҳаси доирасида соддалаштирилган рақобат тартибларидан фойдаланиб хусусий шерикни танлаш бўйича очик тендер;
- 8) **дастлабки малакани аниқлаш ҳужжатлари** – дастлабки малакани аниқлаш шартлари ва тартибини аниқлаш учун ишлаб чиқилган ва тендер ташкилотчиси томонидан малака ҳужжатларини тайёрлаш ва ДХШ тендернинг биринчи босқичда қатнашиш учун потенциал хусусий шерикларга тақдим этилган ҳужжатлар;
- 9) **тендер ташкилотчиси** - Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
- 10) **тендер комиссияси** - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссияси;
- 11) **мезонлар** – давлат-хусусий шериклик асосида маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳасининг тендер ҳужжатларида белгиланган танлаш мезонлари;
- 12) **битим** – тендер ташкилотчиси томонидан тендер комиссияси қарори асосида тендер ғолиби билан тузиладиган ДХШ асосида маиший чиқиндиларни бошқариш тўғрисидаги битим;
- 13) **лойиҳани баҳолаш ҳужжати** (кейинги ўринларида – ЛБХ) – лойиҳанинг қийматини ва молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда асосланган энг мақбул техник-технологик ва лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкилий қарорни қабул қилишни асословчи лойиҳа ҳужжати;
- 14) **талабгор** – ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича қизиқиш билдирган, тендерда иштирок этиш учун дастлабки малака ҳужжатларни ва тендер

- таклифларни тақдим этган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки бир нечта тадбиркор ва юридик шахс иштирокида тузилган консорциум (оддий шерикчилик);
- 15) **тендер ғолиби** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер жараёни якунлари бўйича ДХШ тўғрисида битим тузиш учун танланган талабгор (хусусий шерик);
- 16) **захирадаги ғолиб** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор (хусусий шерик).
2. Тендер хужжатларида қуйидаги қисқартмалар қўлланилади:
- 1) **Агентлик** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги;
 - 2) **Қонун** - Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги 537-сонли "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун (кейинги ўринларида – Қонун);
 - 3) **Низом** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" қарорига мувофиқ тасдиқланган "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом" (кейинги ўринларида – Низом).

2. Умумий қоидалар

3. Мазкур дастлабки малака хужжатларини тўпламини бериш учун сўров Қонун ва Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган .
4. Маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқига эга бўлиш учун хусусий шерикни танлаш учун мазкур сўров хужжати потенциал хусусий шерикларга дастлабки малака босқичида иштирок этиш шартлари ҳақида маълумот бериш учун мўлжалланган.
5. Талабгорлар ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор эканлигини билдириш учун тендерда иштирок этганда қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:
- ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши;
 - ДХШ тўғрисидаги битимга доир мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ва (ёки) моддий, техник ресурсларга ва (ёки) малакали меҳнат ресурсларига эга бўлиши;
 - манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асосларга эга бўлмаслиги.
- Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ва (ёки) банкротлик босқичида бўлган талабгорларнинг тендерда иштирок этишига йўл қўйилмайди.
6. Дастлабки малакани баҳолаш бўйича ташкилий маълумотлар 1-иловада келтирилган ҳамда ДХШ лойиҳасини қисқача тавсифи 2-иловада келтирилган.

3. Хусусий шерикнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

7. Хусусий шерик ўз маблағлари ва қарз маблағлари билан ДХШ лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш ҳуқуқига эга.
8. Тендер ташкилотчиси хусусий шерикка Қонунда назарда тутилмаган малака талабларини қўйишга ҳақли эмас. Хусусий шерик малака талаблари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларини тақдим этмаслик ҳуқуқига эга.

9. Хусусий шериклар талаб қилинадиган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатларни очилиш учун белгилаган сана ва вақтга қадар тақдим этишлари шарт.

10. Хусусий шерик ўзининг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича тендер ташкилотчиси томонидан белгиланган шакллар бўйича хужжатларни ва барча маълумотларни тендер ташкилотчисига тақдим этади.

11. Хусусий шерик малака талабларига мувофиқлиги тўғрисида сохта ва ёлғон маълумотлар тақдим этган тақдирда, суд томонидан адолатсиз хусусий шерик деб тан олинган кундан бошлаб кейинги уч йил давомида ДХШ лойиҳалар бўйича давлат шерикларнинг тендерларида иштирок этиш тақиқланади.

12. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малака тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлиги тендернинг исталган босқичида тендер комиссия, тендер ташкилотчиси ёки ваколатли давлат органлари томонидан белгиланиши мумкин.

13. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малакага оид сохта ва ёлғон маълумотларни тақдим этилганлиги аниқлаганда тендер комиссияси талабгорни тендердан четлаштиради.

14. Талабгорлар консорциум шаклида тендерда иштирок этган тақдирда:

- етакчи компания ушбу тендер хужжатда кўрсатилган дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун куйидаги талабларга тўлиқ риоя қилиши шарт: а) санитар тозалаш соҳага (яъни маиший чиқиндиларни тўплаш, саралаш, олиб чиқиш ва қайта ишлаш, санитар полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилиш) оид махсус тажриба; б) малакага эга бўлган ва санитар тозалаш соҳада ишлаб келган асосий мутахассисларни мавжудлиги;
- консорциумни етакчи ва қолган аъзоларининг 5-иловада кўрсатилган бошқа мезон ва талабларга нисбатан умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинади.

4. Тендерда иштирок этиш билан боғлиқ чекловлар

15. Талабгорлар куйидаги ҳолларда тендерда катнашиш ҳуқуқига эга эмас, агар:

- хусусий шерикнинг раҳбарларини ёки таъсисчиларини яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи ёки қариндошлари ва (ёки) хусусий шерикнинг ишончли вакиллари тендер бўйича баҳолаш ёки қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга ёки тендер комиссияси ва (ёки) ишчи гуруҳ аъзоси бўлса;
- асосий воситалар баланс қийматидан 10 (ўн) фоизидан ортиқ бўлган хусусий шерикнинг мулки мусодара қилинган бўлса;
- талабгорлар ижро хужжатлари бўйича катта мажбуриятларга эга ва ижро хужжатларини ижро этиш учун ваколатли орган томонидан киритилган бўлса;
- талабгорларни картотека №2 ва банк ссудалари бўйича қарздорлиги мавжуд бўлса;
- талабгорларнинг молиявий-хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ тўхтатилган бўлса.

16. Талабгорлардан ҳеч бири битта ДХШ лойиҳаси бўйича биттадан ортиқ тендер таклифни тақдим этишга ҳақли эмас.

5. Дастлабки малакани баҳолаш учун тақдим этиладиган хужжатлар

17. ДХШ лойиҳаси бўйича хусусий шерикни дастлабки малакасини баҳолаш учун талабгорлар 3 ва 4-иловаларда талаб қилинган маълумотлар ва тасдиқловчи хужжатларни тақдим этадилар.

18. Талабгорлар консорциум шаклида иштирок этаётган бўлса, консорциумнинг барча аъзолари ўз малакасини намойиш қилиш учун 3 ва 4-иловаларда талаб қилинган маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

19. Бундан ташқари консорциумнинг барча аъзолари номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини тендерда ҳимоя қилиш ваколати етакчи компанияга юклаганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилиш керак. Консорциумни ташкил этиш ва хусусий шерикларнинг қўшма фаолияти тўғрисидаги шартноманинг асл нусхаси ва шу жумладан, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерикларнинг биргаликдаги ва алоҳида жавобгарлик шартлари кўрсатилган ҳолда.

6. Дастлабки малака ҳужжатларни тақдим этиш тартиби

20. Талабгорларнинг дастлабки малака буюртмалари ушбу ҳужжатда кўрсатилган тақдим этиш охириг муқддатига қадар боғланган ҳолда, ҳар бир варағи рақамланган ва кўл кўйилган ҳолда, охириг варақ эса хусусий шерикнинг раҳбари ёки консорциумнинг ишончли шахс имзоси ва корхонани (ёки етакчи корхонани) муҳри билан тасдиқланган ҳолда, муҳрланган ташқи конвертда тақдим қилинади.

21. Ташқи конвертда қуйидаги муҳим маълумотлар бўлиши лозим:

- Хусусий шерикнинг (ёки консорциумнинг) тўлиқ номи ва почта манзили (агар консорциум бўлса фақат етакчи компаниянинг почта манзили);
- Тендер ташкилотчисининг тўлиқ номи ва почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кучаси, 15-уй, телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#), 4 қават;**
- Тендер номи: **«Хоразм вилояти Шовот туманида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш».**

22. Ташқи конвертларга солинган дастлабки малакага оид ҳужжатлар талабгорларнинг раҳбари ёки ишончли вакиллари томонидан тендер ташкилотчисинг манзили буйича ёки рўйхатга олинган почта орқали тақдим этилади.

23. Тендер ташкилотчиси белгиланган муқддатгача тақдим этилган дастлабки малака ҳужжатларни:

- ўрнатилган тартибда қабул қилади ва реестрга киритади;
- аввал қабул қилинган дастлабки малака ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўрнатилган тартибда қабул қилади ва реестрга киритади.

24. Талабгорларнинг дастлабки малака ҳужжатлари рад этилган ҳоллар, қачонки:

- хусусий шерик ушбу ДХШ тендерда қатнашиш учун аризани бошқа талабгор таркибида ҳам тақдим этган бўлса;
- дастлабки малака ҳужжатларни қабул қилиш охириг муқддатидан сўнг тақдим қилинган бўлса.

7. Дастлабки малака ҳужжатларни баҳолаш тартиби

25. Тендер ташкилотчиси дастлабки малака ҳужжатларни қабул қилингандан сўнг тендер комиссиясининг қарорига биноан белгиланган муқддат давомида талабгорларнинг дастлабки малака талабларига мувофиқлигини ўрганиш, аниқлаш ва баҳолаш ишларни ташкиллаштиради.

26. Талабгорлар дастлабки малака талабларига мувофиқлиги учун маълумотларни ва тасдиқловчи ҳужжатларни ушбу сўровда берилган шартларига риоя этмаган ҳолда

тақдим этган бўлса, тендер ташкилотчиси мазкур талабгорларни малакасини тақдим этилган маълумотлар ва хужжатлар асосида баҳолайди.

27. Даствлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлар 5-иловада келтирилган ва тендер ташкилотчиси фақат ушбу мезонлар бўйича талабгорларни баҳолайди.

28. Бир босқичли¹ тендерда талабгорнинг даствлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини баҳолашда тўплаган балларига кўшилади.

29. Икки босқичли² тендерда даствлабки малака босқичидан муваффакиятли ўтган талабгорлар, яъни камида 60 (олтмиш) балл тўплаган талабгорлар, тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўрови ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси юборилади. Икки босқичли тендерда даствлабки малакалашни ўтказиш натижасида камида иккита талабгор малака талабларига мувофиқ бўлиши керак.

30. Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди, бир ёки икки босқичли тендер бўлишдан қатти назар.

¹ Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

² Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади.

Дастлабки малакани аниқлаш босқичи бўйича ташкилий маълумотлар
*(Ушбу 1-иловани дастлабки малака ҳужжатларини тўплами таркибида
топириш талаб этилмайди!)*

№	Кўрсаткич номи	Маълумотлар
1	Тендер ташкилотчиси	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй, тел.: (99871) 207-07-70 (1072#) 4-қават;
2	Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини қабул қилиш жойи ва охириги муддати	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй, тел.: (99871) 207-07-70 (1072#) 4-қават; Сана: 2021 йил «___» _____ Вақт: 00:00 (Мазкур муддат тендер ўтказиш ҳақидаги эълонда ёки Дастлабки малака ҳужжатларини юбориш хатида кўрсатилади)
3	Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини ташқи конвертларни очиш жойи, санаси ва вақти	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй, тел.: (99871) 207-07-70 (1072#) 4-қават; Сана: 2021 йил «___» _____ Вақт: 00:00 (тендер комиссияси билан келишув асосида)
4	Аризани тақдим қиладиган тили	Ўзбек тили
5	Алоқа, савол ва мурожаат учун маълумотлар	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй, тел.: (99871) 207-07-70 (1072#) 4-қават; Масъул ходим: Н.Адхамжонов Тел: (99) 409-70-02
6	Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини бериш сўрови бўйича саволлар билан мурожаат қилиш охириги муддати	Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини қабул қилиш охириги муддатидан етти (7) кун.
7	Дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини тақдим этиш шакли ва нусхалар сони	Ёпилган ва муҳрланган ташқи конвертда, қоғоз шаклида, битта (1) асл нусха ва битта (1) нусха.

ДХШ лойиҳасининг қисқача тавсифи

*(Ушбу 2-иловани дастлабки малака ҳужжатларини тўплами таркибида
топириш талаб этилмайди!)*

№	Кўрсаткич номи	Маълумотлар
1	ДХШ лойиҳасининг номи	Хоразм вилояти Шовот туманида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш
2	ДХШ объекти	Қурилиши ва эксплуатацияси ДХШ лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган Хоразм вилояти Шовот туманида маиший чиқиндиларни йиғиш, олиб ташлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма
3	ДХШ объектининг жойлашуви	Хоразм вилояти Шовот тумани
4	ДХШ лойиҳасини амалга ошириш шартлари ва босқичлари	Инвестиция киритиш муддати: 2021 - 2024 йил (3 йил) Битим муддати: 2021 - 2031 йил (10 йил)
5	ДХШ лойиҳаси қиймати	ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича талаб этиладиган инвестиция миқдори <u>9338,3 млн. сўм</u>
6	Харажатларни тиклаш ва даромад олиш манбалари	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш хизматлари учун миқдорлар томонидан амалга оширилган тўловлар, ҳамда чиқиндиларни қайта ишлашдан топилган қушимча ва бошқа даромадлар
7	Давлат таъминоти турлари ва ҳажмлари	ДХШ битимига мувофиқ

**Тендер иштирокчиси тўғрисида
МА Ё Л У М О Т Л А Р**

ЗА: Умумий маълумотлар

Тендер иштирокчисининг тўлиқ юридик номи: _____

Тендер иштирокчиси раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Манзил ва телефон/факс рақами: _____

Электрон почтаси: _____

Юридик мақоми: _____

Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами: _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди буйича): _____

Тендер иштирокчи санитар тозалаш соҳага оид бўлган махсус тажрибасини қуйдаги жадвалларда маълум қилиши ва тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиш керак:

1-Жадвал:

Иштирокчининг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш тажрибаси ҳақида маълумотлар

№	Бириктирилган ҳудуд (шаҳар ёки туман)	Бириктириш учун асос бўлган ҳужжат*		Бириктирилган сана	
		ҳозирда амалда бўлган ҳужжат*	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат*	ҳозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича
1					
2					

Изоҳлар:

* - Тегишли ҳудудни бириктириш тўғрисида ваколатли давлат органнинг қарори ёки Е-ижро аукцион золиби билан тузилган битим нусхалари корхона муҳри билан тасдиқланган (аслига тўғри белгиси билан) ҳолда илова этилиши шарт.

2-Жадвал:

Иштирокчининг маиший чиқиндиларни қабул қилиш, саралаш ва (ёки) қайта ишлаш тажрибаси ҳақида маълумотлар

№	Чиқиндиларни қабул қилиш, саралаш ва (ёки) қайта ишлаш ускуналари жойлашган жойи	Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжат*		Экологик экспертиза ҳулосаси	
		ҳозирда амалда бўлган ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	ҳозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)
1					
2					

Изоҳлар:

* - Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа ваколатли органларнинг гувоҳнома ва (ёки) рухсатномаси тақдим этилади.

3-Жадвал:

**Иштирокчининг санитар полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилиш тажрибаси
хақида маълумотлар**

№	Фаолият амалга ошириладиган чиқинди полигонининг жойлашган жойи*	Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжат**		Экологик экспертиза хулосаси	
		ҳозирда амалда бўлган ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	ҳозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)
1					
2					

Изоҳлар:

* - Чиқинди полигоннинг жойлашган жойини Google ҳаритаси тақдим этилади.

** - Қайси ваколатли давлат органнинг ёки бошқа тегишли ташкилотнинг қарори (ёки бошқа норматив ҳужжатлар ва шартнома) асосида чиқинди полигон бириктирилган ёки қурилган бўлса, ушбу ҳужжатлар илова қилинади.

Талабгор корхона раҳбарининг (ёки ишончли вакилининг) имзоси:

Талабгор корхонанинг муҳри:

Тузилган сана: 2021 йил « _____ » _____

ЗБ: Тендер иштирокчисининг асосий мутахассислари ҳақида маълумотлар

№	Асосий мутахассис	Ф.И.Ш. ва туғилган санаси	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) ¹	Эгаллаган лавозими ²	Тендер иштирокчиси да эгаллаган лавозимларда иш стаж ³ (йиллар)	Санитар тозалаш билан боғлиқ бўлган иш тажрибаси ⁴ (йиллар)
1	Корхона раҳбари					
2	Транспорт соҳасидаги муҳандис					
3	Транспорт соҳасидаги иқтисодчи					

Изоҳлар:

1-диплом, шаҳодатнома ва ҳ.к. нусхаси;

2-лавозимга тайинлаш ва (ёки) вазифани юклаш ҳақидаги буйруқ нусхаси;

3-меҳнат дафтарчаси нусхаси (иш стаж³ www.mv.mehnat.uz "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилган маълумотлар орқали аниқланади);

4-бошиқа ташиқлотларда ишлаган даври бўйича тажрибаси ҳам инobatга олиниши сабабли, меҳнат дафтарчасининг тегишли бетларидан нусха тендер иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган ҳолда (аслига тўғри белгиси билан) илова қилиниши шарт.

Талабгор корхона раҳбарининг (ёки ишончли вакилининг) имзоси:

Талабгор корхонанинг муҳри:

Тузилган сана: 2021 йил « _____ » _____

ЗВ: Тендер иштирокчисини молиявий ахволи тўғрисида асосий кўрсаткичлар

1) **Қоплаш коэффиценти (тўловга қодирлик коэффиценти)** - ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффицентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффицент куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \frac{(ТМЗ - НП) + ДЗ + ДС}{ТО}$$

Бунда:

- ТМЗ** – товар моддий захиралар (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 140-сатр;
- НП** – тугалланмаган ишлаб чиқариш (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 160-сатр;
- ДЗ** – дебиторлар (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 210-сатр;
- ДС** – пул маблағлари жами (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 320-сатр;
- ТО** – жорий мажбуриятлар жами (ҳисобот даври охири), баланс пасивининг II бўлим 600-сатр.

Агар тўловга қодирлик коэффиценти ҳисобот даври охирида 1,25 дан кам қийматга эга бўлса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

2) **Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти** - ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, корхона мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффицент куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$НСОС = ИСС - ЗУ + ДО - ДА$$

Бунда:

- ИСС** – ўз маблағлари манбалари жами (ҳисобот даври охири), баланс пасивининг I бўлим 480-сатр;
- ЗУ** – таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари бўйича қарзи (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 290-сатр;
- ДО** – узоқ муддатли мажбуриятлар жами (ҳисобот даври охири), баланс пасивининг II бўлим 490-сатр;
- ДА** – узоқ муддатли активлар жами (ҳисобот даври охири), баланс активининг I бўлим 130-сатр;

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти ижобий ($НСОС \geq 0$) кўрсаткични ҳосил қилса, у ҳолда корхона ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланган деб ҳисобланади.

Талабгор корхона раҳбарининг (ёки ишончли вакилининг) имзоси:

Талабгор корхонанинг муҳри:

Тузилган сана: 2021 йил « _____ » _____

**Дастлабки малакани аниқлаш босқичида талабгорларнинг
малакасини баҳолаш учун тақдим этиладиган хужжатлар
Р Ў Й Х А Т И**

4А. Юридик хужжатлар:

- 1) Юридик шахс рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- 2) Юридик шахс низомининг нусхасини. Талабгор консорциум шаклида иштирок этган ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 53-боби бўйича юридик шахс бўлмаган оддий шериклик) низомнинг нусхалари консорциумнинг барча аъзолар томонидан тақдим этилади;
- 3) Талабгорнинг мол-мулки хатланмаганлиги, банк ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги Мажбурий ижро бюро органлари (ёки бошқа ваколатли органлари) томонидан тасдиқланган маълумотнома (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 4) Талабгорнинг тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида талабгорнинг кафолат хати (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 5) Талабгорни таъсисчиларнинг корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш нияти йўқлигини тасдиқлаш кафолат хати;
- 6) Консорциум (оддий шерикчилик) шаклидаги жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг бирлашмалари танловида иштирок этган тақдирда, унинг иштирокчилари ўз малака талабларини тасдиқлаш учун тендер хужжатларнинг 19-бандида белгиланган қўшимча хужжатларни тақдим этадилар.

Изоҳ:

Талабгорлар ўз хоҳишларига кўра малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа хужжатларни ҳам тақдим этишлари мумкин.

4Б. Молиявий хужжатлар:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги қонунчилигига ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган, охири (ўтган) уч тўлиқ молиявий йил учун молиявий ҳисоботлар (Ф-1 ва Ф-2 шакллар ва бюджетга тўловлар ҳақида маълумот), мансабдор шахсларнинг муҳри ва имзоси билан ҳамда Давлат солиқ инспекция электрон тизимида топширилганлиги тўғрисида тасдиқловчи хужжат билан;
- 2) Талабгорнинг асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамларида пул мавжудлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банк хати (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 3) Талабгорнинг мулк ҳуқуқини ҳамда кўчмас ва кўчар мулкнинг қийматини тасдиқловчи хужжатлар («Мулк рўйхатни») нусхалари (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 4) Талабгорнинг картотека №2, банк ссудалари бўйича қарздорлиги мавжудлиги/йўқлиги, талаб қилиб олинганча миллий ва хорижий валютадаги асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамлардаги маблағлар қолдиғи, ҳамда улар бўйича сўнгги 2 йиллик айланмалар (оборот) ҳақида хизмат кўрсатувчи банклардан Маълумотномалар (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*).

Изоҳ:

Тендер ташиқлотчиси (ёки тендер комиссия ва уни баҳолаш учун жалб қилинган ваколатли шахслари) дастлабки малакалаш босқичида тақдим этилган талабгорларнинг маълумотларни ва хужжатларни ишончлигини ва тўғри эканлигини текшириш мақсадида, заруратга қўра қўшимча маълумотларни ва хужжатларни талаб этишига ҳақли ҳисобланади. Талабгорлар томонидан юридик ёки молиявий хужжатлардан бири тақдим этилмаслиги ёки юқорида белгиланган талаблар асосида тақдим этилмаслиги тендер комиссияси томонидан талабгорни дастлабки малакалашдан ўтмаган деб топши ёки дисквалификация қилиш учун сабаб бўлиши мўмкин.

Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлар

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
<p>А) Талабгорнинг санитар тозалиш соҳага оид махсус тажрибаси (юқоридаги 3-илова «А-банди», 1, 2 ва 3-жадваллар):</p> <ul style="list-style-type: none"> Санитар тозалаш соҳасидаги хизматлар тажрибаси, шу жумладан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш; маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш: санитар полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилиш (3 йил ва ундан ортиқ тажрибага максимал 20 балл; 1 йилдан 3 йилгача 10 балл, 1 йилдан кам тажрибага 5 балл; умуман тажрибага эга бўлмаган корхонага 0 балл). 	<p>20</p>
<p>Б) Талабгорнинг асосий мутахассислар малакаси (юқоридаги 3-илова «Б-банди»):</p> <ul style="list-style-type: none"> Корхона раҳбари – 8 балл Транспорт соҳасидаги муҳандис – 6 балл Транспорт соҳасидаги иқтисодчи – 6 балл <p><i>Бунда айнан шу корхонада фаолият юритаётган ҳодим стажига қараб баҳоланади. Юқорида айтилган ҳар бир асосий мутахассис қуйидагича баҳоланади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> ✓ умумий малака (маълумоти): олий (40%), ўрта-махсус (20%) ва ўрта (10%); ✓ санитар тозалаш соҳага оид махсус тажриба: 3 йил ва ундан ортиқ (60%), 1 йилдан 3 йилгача (40%), 1 йилдан кам стаж (20%), соҳага оид иш стажини мавжуд бўлмаган ҳолларда 0 балл берилади 	<p>20</p>
<p>В) Талабгорнинг молиявий аҳволи (юқоридаги 4-илова «Б-банди»):</p> <ul style="list-style-type: none"> Охирги йиллик молиявий ҳисобот бўйича кўрилган соф фойда кўрсаткичи (Ф-2 шакл) <p><i>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари сонига бўлинади ва иштирокчиларни оладиган баллари улуши аниқланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади, қолган иштирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайтирилган балл эгасига айланади. Бунда соф фойда молиявий ҳисоботда акс этмаган иштирокчига балл берилмайди.</i></p> <p><i>Мисол: Иштирокчилар сони 5 та бўлганда (10/5=2). Юқори кўрсаткич 10 балл, иккинчи яхши кўрсаткич эгаси 8 балл, учинчи яхши кўрсаткич 6 балл, тўртинчи кўрсаткич 4 балл ва охирги изғобий кўрсаткич эгаси 2 баллга эга бўлади.</i></p>	<p>10</p>
<ul style="list-style-type: none"> Охирги йиллик молиявий ҳисоботи бўйича қоплаш коэффиценти (тўловга кодирлик) бўйича (энг юқори – 10 балл, меъёрдан баланд 5 балл, меъёрдан паст – 0 балл). (юқоридаги 3-илова «В-банди 1-қисми») <p><i>Бунда энг юқори кўрсаткич тендер иштирокчиси максимал баллга, қоплаш</i></p>	<p>10</p>

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
<p>коэффициенти (тўловга қодирлик) меъёрдан паст бўлган иштирокчилар максимал баллнинг 50% миқдорига, қоплаш коэффициенти меъёрдан паст бўлган кўрсаткич иштирокчиси 0 баллга эга бўлади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи бўйича (юқоридаги 3-илова «В-банди 2-қисми») <p>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари сонига бўлинади ва иштирокчиларни оладиган баллари улуши аниқланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади, қолган иштирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайтирилган балл эгасига айланади. Ижобий кўрсаткичга эга бўлмаган иштирокчига балл берилмайди.</p>	10
<p>Г) Талабгорнинг юридик ахволи (юқоридаги 4-илова «А-банди»):</p> <ul style="list-style-type: none"> • Талабгорнинг мол-мулки хатланмаганлиги, ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги ҳақида тегишли органлардан тасдиқловчи маълумотномалар тақдим этилган тақдирда 10 балл, ушбу маълумотномаларнинг барчаси ёки биронтаси мавжуд бўлмаган тақдирда ёки маълумотномаларда мол-мулки хатланган ва (ёки) ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилган ва/ёки молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилганлиги кўрсатилганда балл берилмайди); 	10
<ul style="list-style-type: none"> • Ишлаб чиқариш бинолари (автогараж), чиқинди ташиш техникаси, ускуналар, машиналар ва механизмларнинг мавжудлиги ҳақида маълумотномалар (тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга) тақдим этилганда 10 балл, ушбу мол-мулкдан биронтаси, яъни автогараж ёки чиқинди ташиш техникаси ёки қолганлари мавжуд бўлмаган тақдирда 5 балл, умуман маълумот тақдим этилмаганда ва (ёки) тақдим этилган маълумотда юқоридаги мол-мулк мавжуд эмаслиги кўрсатилганда 0 балл берилади; 	10
<ul style="list-style-type: none"> • Талабгорнинг юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган санасидан бошлаб умумий молиявий-хўжалик фаолияти даври (0 йилдан - 3 йилгача 50%, 3 йилдан - 5 йилгача 75%, 5 йилдан юқори бўлганда 100%) 	10
ЖАМИ	100

Бир босқичли тендерда³ талабгорнинг дастлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

Икки босқичли тендерда⁴ дастлабки малака босқичидан муваффақиятли ўтиш учун талабгорлар **камида 60 (олтмиш) балл** тўплаш лозим. Шундагина талабгорлар иккинчи босқич тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўрови ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси юборилади.

³ Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

⁴ Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади.